



## ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ВА МАЪМУРИЙ ЖАЗОГА ОИД ҚОНУН НОРМАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Бабаханов Ҳамдам Қадамович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси  
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси  
ўқитувчиси, майор

Зиёдуллаев Сухроб Шухрат ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги  
таълим Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти  
ихтисослиги бўйича таълим олаётган 2-ўқув курси 214-  
ўқув гуруҳи курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15227431>

### ARTICLE INFO

Received: 31th March 2025

Accepted: 10<sup>th</sup> April 2025

Published: 16 th April 2025

### KEYWORDS

*Профилактика инспектори,  
маъмурий ҳуқуқбузарлик, маъмурий  
иш, маъмурий жазо, қонун  
нормалари, самарадорлик, ҳуқуқий  
тартиб, профилактик фаолият.*

### ABSTRACT

*Ушбу мақолада профилактика  
инспекторларининг маъмурий  
ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга  
нисбатан қонун нормаларини татбиқ этиш  
ва жазо чораларини қўллаш фаолияти  
таҳлил қилинади. Шунингдек, бу соҳадаги  
амалиётда учраётган муаммолар,  
қонунчиликдаги бўшлиқлар ва инспекторлар  
салоҳиятини оширишга қаратилган  
таклифлар баён этилади. Мақолада  
тизимли ёндашув асосида профилактика  
инспекторлари фаолияти самарадорлигини  
ошириш йўллари илмий-амалий жиҳатлари  
ёртиб берилади*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида бугунги кунда ислохотларимиз самараси кўп жиҳатдан тўртта муҳим омилга – яъни, қонун устуворлигини таъминлаш, коррупцияга қарши қатъий курашиш, институционал салоҳиятни юксалтириш ва кучли демократик институтларни шакллантиришга боғлиқ эканлигини яна бир таъкидлаб ўтди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг ҳуқуқий асослари билан ҳамоҳанг равишда юқоридаги муҳим омилларни илмий-назарий тадқиқ этиш юридик фанлар олдида устувор вазифаларни қўймоқда. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «Бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун аввало илм-маърифат, юксак маънавият керак. **Илм йўқ жойда қолоқлик, жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади**»<sup>1</sup>

Ҳар қандай демократик ҳуқуқий давлатда жамиятдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқаролар хавфсизлиги ва ижтимоий барқарорликни таъминлашда ички ишлар

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси //Халқ сўзи. газ 2020 йил 25 январь сони.

органлари муҳим рол ўйнайди. Шу маънода, профилактика инспекторлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ва уларни бартараф этиш фаолияти нафақат давлат ички сиёсати, балки аҳолининг кундалик ҳаёти билан бевосита боғлиқ ижтимоий ҳодиса сифатида алоҳида аҳамиятга эга.

Айниқса, глобаллашув ва рақамли технологиялар жараёнида ҳуқуқбузарлик шакллари ҳамда уларни аниқлаш, ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш механизмлари мураккаблашиб бормоқда. Бундай шароитда профилактика инспекторларининг қонун нормаларини аниқ ва самарали қўллаши, маъмурий жавобгарлик чораларини адолатли татбиқ этиши юқори ҳуқуқий маданият ва касбий маҳоратини талаб этади.

Бугунги шиддат билан ривожланган жамиятни илм-фансиз тасаввур этиш қийин. Иқтисодий, сиёсий, экологик инқироз даврида фан муҳим муаммоларни ҳал қилишда асосий восита бўлиб хизмат қилмоқда. Бугунги кунда фан инсон ҳаётининг турли соҳаларига тегишли бўлган масалаларни ҳисобга олиши ва ўз вақтида жавоб бериши керак.

Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, “Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислохотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз. Бунинг учун, авваламбор, ташаббускор ислохотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур. Шунинг учун ҳам боғчадан бошлаб олий ўқув юртигача – таълимнинг барча бўғинларини ислоҳ қилишни бошладик”<sup>2</sup>

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, амалдаги норматив-ҳуқуқий базада профилактика инспекторларининг ваколатлари белгиланган бўлса-да, уларнинг амалиётдаги ҳуқуқий билимлари, ҳуқуқбузарликларни тўғри баҳолаш ва ҳуқуқий чоралар қўллашдаги тажрибаси барча ҳолатларда ҳам етарли даражада эмас. Қонун нормаларини нотўғри ёки номукамал қўллаш ҳолатлари айрим ҳуқуқбузарликларнинг кучайишига, фуқароларнинг ҳуқуқий ишончини сусайишига ва ҳуқуқий тартибнинг бузилишига олиб келиши мумкин.

Ушбу мақолада профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва маъмурий жазоларга оид қонун нормаларини қўллаш фаолияти таҳлил қилинади ҳамда ушбу фаолиятни такомиллаштириш бўйича илмий-назарий ва амалий таклифлар ишлаб чиқилади. Бунда ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги мавжуд муаммолар, халқаро тажрибалар, шунингдек замонавий бошқарув ва ҳуқуқий таълим воситаларидан самарали фойдаланиш имкониятлари кўриб чиқилади.

Мавзунини ёритишдан олдин, аввало, маъмурий жазо, маъмурий иш тушунчаларига ва унинг турларига қисқача тўхталиб ўтиш зарур. Амалдаги миллий қонунчиликка мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси”<sup>3</sup>нинг **6-моддага кўра “Маъмурий иш - Маъмурий иш ишда иштирок этувчи шахслар ва маъмурий суд ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари томонидан судга тақдим этилган ёхуд суд томонидан талаб қилиб олинган ҳужжатлар, шунингдек қоғозда расмийлаштирилган суд ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлар асосида шакллантирилади”** деб кўрсатилган.

**маъмурий жазо** — бу маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чорасидир. Ушбу жазо тури профилактик характери билан фарқланади ва унинг асосий

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси, 24.01.2020 й. <https://uza.uz/oz/politics/>

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси.

вазифаси ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни ва бошқа фуқароларни бундан буён бундай ҳаракатлардан қайтаришга қаратилган.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисида кодексининг **22-моддаси<sup>4</sup>**да- **Маъмурий жазонинг мақсади** келтирилган бўлиб, унга кўра “Маъмурий жазо жавобгарликка тортиш чораси бўлиб, у маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни қонунларга риоя этиш ва уларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, шунингдек ана шу ҳуқуқбузарнинг ўзи томонидан ҳам, бошқа шахслар томонидан ҳам янги ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади” деб кўрсатилган.

Маъмурий жазоларнинг турлари қонунчиликда аниқ белгиланган бўлиб, улар Маъмурий жавобгарлик тўғрисида кодексининг

**23-модда. Маъмурий жазонинг турлари** келтирилган бўлиб, унга кўра маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қуйидаги маъмурий жазо чоралари қўлланилиши мумкин:

- 1) жарима;
- 2) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш;
- 3) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш;
- 4) муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан (транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум этиш;
- 4<sup>1</sup>) ҳақ тўланадиган жамоат ишларига мажбурий равишда жалб этиш;
- 5) маъмурий қамоққа олиш.
- 6) чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш.

Ушбу модда биринчи қисмининг 2—6-бандларида санаб ўтилган маъмурий жазо чоралари фақат Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланиши мумкин.

Профилактика инспекторлари жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва маъмурий жавобгарлик чораларини қўллаш соҳаларида ҳуқуқни қўллаш тизимининг бирламчи бўғини сифатида фаолият юритадилар. Уларнинг фаолияти амалдаги қонунчилик доирасида тартибга солинган бўлса-да, амалиётда қатор тизимли муаммолар кузатилмоқда.

Хусусан, ўрганишлар шуни кўрсатадики, айрим профилактика инспекторларининг иш юритувидаги материаллар бўйича терговга қадар текширув ҳаракатларини тўлиқ ва холисона олиб бормаслиги, улар бўйича шошма-шошарлик билан қарор қабул қилиниши, келиб тушган мурожаатларни ўз вақтида кўриб чиқмаслик ҳолатлари, терговга қадар текширув ҳаракатлари натижаси бўйича муаллифга шаблон шаклида юзаки жавоб хатлари берилиши, уларга нисбатан қўпол муомалада бўлиши – судлар томонидан иш ҳужжатларини тугатилишига сабаб бўлаётганлигини кўриш мумкин.

*Шуни алоҳида таъкидлаш керакки Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс”<sup>5</sup>нинг 36-моддаси 2-қисмида –Жиноят ишини қўзғатиш рад этилган ёки жиноят иши тугатилган бўлса-ю, лекин ҳуқуқбузарнинг ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд бўлса, маъмурий жазо чораси жиноят иши қўзғатишни рад этиш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисида, агар ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган муддатлар ўтмаган бўлса, қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай қўлланилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.*

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисида кодексининг 22-моддаси.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс”нинг 36-моддаси 2-қисми

Судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришни тартибга солувчи қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида 2018 йил 30 ноябрь куни “Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг Қарори”<sup>6</sup> қабул қилинган.

Зеро қарорда шундай келтирилган: Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига киритилган ўзгартиришлар муносабати билан суд амалиётида вужудга келаётган масалалар ҳамда қонун нормаларини бир хилда ва тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида, «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига асосланиб Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарор қилади:

1. Судларнинг эътибори Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг (бундан буён матнда МЖтК деб юритилади) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришни тартибга солувчи нормаларига қатъий риоя этиш зарурлигига қаратилсин.

2. Жиноят ишлари бўйича судга (бундан буён матнда суд деб юритилади) тааллуқли бўлган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар рўйхати МЖтК 245-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган.

Шуни назарда тутиш лозимки, МЖтК 245-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларига асосан, жиноят ишлари бўйича судларга қуйидаги ишлар ҳам тааллуқли:

ҳуқуқбузар ҳуқуқбузарлик фактини инкор этганда, ҳар қандай маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги;

содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод этиш тўғрисидаги;

ҳуқуқбузарга нисбатан МЖтК Махсус қисми моддасининг санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги;

якка тартибдаги тадбиркорлар ва (ёки) уларнинг ходимлари томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ равишда содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги, тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслар мансабдор шахслари ва (ёки) уларнинг ходимлари томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ равишда содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги, бундан МЖтК 60-моддасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида, 601, 65, 68, 681, 99 (қурилиш соҳасида назорат қилиш инспекциясига оид қисмида) ва 283-моддаларида назарда тутилган ҳоллар мустасно; бир нечта маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги, агар улардан лоақал биттаси жиноят ишлари бўйича судга тааллуқли бўлса; деб кўрсатилган.

Шунингдек, ҳозирги кунда амалиётдаги қатор тизимли муаммоларни қисқача таҳлил этсак:

**Биринчи** навбатда, маъмурий ҳуқуқбузарликларни квалификация қилишда профилактика инспекторлари томонидан қонун нормаларини нотўғри талқин этиш ҳолатлари кузатилади. Бундай ҳолатлар, айниқса, содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун расмийлаштириладиган ҳужжатларда ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун тўлдириладиган баённомаларни расмийлаштириш жараёнида яққол намоён бўлади. Қонунчиликдаги тушунчаларнинг аниқ ифодаланмагани, айрим ҳолатларда ҳуқуқий меъёрларнинг турли хил талқин қилиниши ҳуқуқбузарликни нотўғри баҳолашга олиб келади.

**Иккинчидан**, профилактика инспекторларининг барчаси ҳам юридик маълумотга эга эмаслиги ва хизмат малакасидаги фарқлар амалдаги қонун нормаларини изчил ва бир хилда қўллашга тўсқинлик қилмоқда. Шу билан бирга, соҳадаги янгиликлар бўйича

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг Қарори: Судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришни тартибга солувчи қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида 2018 йил 30 ноябрь.,

мунтазам равишда ахборот олиш механизмларининг тўлиқ шаклланмаганлиги айрим ходимларнинг ҳуқуқий билим даражаси етарли эмаслигини кўрсатмоқда. Бу эса қонун нормаларини турлича талқин қилиш ҳамда нотўғри қўллаш ҳолатларини юзага келтириши мумкин.

**Учинчидан,** профилактик фаолиятни тартибга солувчи ҳуқуқий нормаларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ҳамда уларни амалга ошириш бўйича асосий йўналишлар назарда тутилган. Бироқ, амалиётда ушбу тадбирларни режалаштириш, таҳлил қилиш ва натижаларни баҳолашда қўлланиладиган мезон ва услубларни янада такомиллаштириш ва аниқлаштириш зарурати мавжуд. Бу, ўз навбатида, профилактик фаолиятнинг самарадорлигини ошириш ва уни тизимли баҳолаш имкониятларини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

#### **Халқаро тажриба ва ундан чиқадиган хулосалар**

Маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга муносабатда ҳуқуқни татбиқ этиш масалалари кўпгина мамлакатларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг асосий фаолият йўналишларидан бири ҳисобланади. Хусусан, профилактика фаолиятининг самарадорлигини оширишда қонун нормаларини аниқ, шаффоф ва инсон ҳуқуқларига ҳурмат руҳида қўллаш халқаро амалиётда муҳим мезон сифатида эътироф этилган.

#### **Германия тажрибаси**

Германияда маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фақат жазолашга эмас, балки кенг қамровли профилактик тадбирларга таянади. Полиция ва жамоат назорати органлари ўртасида самарали ҳамкорлик мавжуд бўлиб, улар фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва жавобгарлигини оширишга йўналтирилган. Қонун нормаларини қўллашдаги аниқлик ва бир хиллик учун инспекторлар доимий равишда малака ошириш курсларида қатнашадилар, бу курслар амалдаги қонунчиликдаги ўзгаришларни ўз вақтида ўзлаштириш имконини беради.

#### **Франция: Маъмурий юстициянинг мустақил тизими**

Францияда маъмурий юстиция мустақил суд тизими сифатида фаолият юритади. 2023 йилдаги тадқиқотларда таъкидланишича, маъмурий судлар ижро этувчи ҳокимият органларининг қарорлари устидан шикоятларни кўриб чиқишда муҳим роль ўйнайди. Бу тизим фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда самарали восита сифатида хизмат қилади.

#### **Сингапур тажрибаси**

Сингапурда маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда рақамли технологиялар кенг қўлланилади. Ҳуқуқбузарликка мойил ҳудудлар ва фуқаролар ҳақидаги маълумотлар электрон база орқали таҳлил қилинади ва инспекторларга аниқ вазифалар юкланади. Қонун нормаларини автоматлаштирилган тизим орқали қўллаш натижасида инсон омилидан келиб чиқадиган хатолар минималлаштирилади.

Халқаро тажриба шуни кўрсатмоқдаки, қонун нормаларини самарали қўллаш учун профилактика инспекторлари мунтазам ўқитилиши, ҳуқуқий билим ва амалий кўникмаларини янгилаб бориши зарур.

Дунё давлатлари ҳуқуқий тизимларининг ҳозирги ҳолати узоқ ва изчил давом этган тарихий ривожланиш натижасидир. Аммо, нормаларни яратиш, талқин қилиш ва баҳолашда ҳуқуқий тизимлар ўртасида ўхшашликларни кузатиш мумкин. Таниқли олим Рене Давид миллий ҳуқуқий тизимларни оилаларга ажратишни таклиф қилиб, учта асосий: роман-герман ҳуқуқи оиласи, умумий ҳуқуқ оиласи ва социалистик ҳуқуқ оиласи гуруҳларини ажратиб берди.<sup>7</sup>

<sup>7</sup> <https://uzmarkaz.uz/uploads/2020/06/2020202020.pdf>

XX асрнинг охирларида дунёда содир бўлган кейинги ўзгаришлар ҳуқуқ ривожланишига ҳам тузатишлар киритди. Социалистик тизимга асосланган мамлакатлар доираси амалда торайган сари социалистик ҳуқуқ оиласи ўзининг жаҳон миқёсидаги аҳамиятини йўқотди.

Роман-герман ҳуқуқи оиласи Европа мамлакатлари Рим ҳуқуқини ўзлаштиргани натижасида вужудга келган. Ҳозирги пайтда ушбу ҳуқуқий оилага авваламбор, Европа қитъаси, Лотин Америка (Испания ва Португалиянинг собиқ мустамлакалари худудларидаги давлатлар), Африка мамлакатлари киради. Рим ҳуқуқининг таъсири Шотландия, Луизиана (АҚШ), Квебек (Канада) да сезиларлидир. Умумий ҳуқуқ оиласига Буюк Британия, АҚШ, Канада (Квебекдан ташқари), Австралия, Янги Зеландия, Ямайка, Ҳиндистон, Таиланд ва бошқа мамлакатлар киради. Англия, АҚШда ва уларнинг тизимини қабул қилган бошқа мамлакатларда суд прецеденти принципи амал қилади: муайян иш юзасидан чиқарилган қарор тенг ва пастки инстанция судларининг барчаси учун, башарти улар шунга ўхшаш иш кўрса, мажбурийдир. Натижада расман амал қилаётган қонун аслида кучга эга бўлмаган вазият вужудга келади.

Қонунларни яратишда ҳуқуқий назарияларнинг ўрни, Ислом ҳуқуқи нормаларининг таъсири, қонунлар тузилиши ва ижросини таъминлашга оид қарашлар юртимиз алломаларининг асарларида ўз аксини топган. Яъни, ҳуқуқий тизимнинг мустақкам бўлиши энг аввало, ҳуқуқий ва назарий қарашларга боғлиқ эканлиги илгари сурилган. Айнан Ўрта Осиёда IX-XII асрларни “Ислом ренессанси”, яъни “Ислом уйғониш даври” дейилиши бунинг ёрқин мисолидир.

Ўрта асрларда мамлакатимизда яшаб ўтган буюк фикҳ илми мутафаккири Убайдуллоҳ ибн Масъуд (туғилгани номаълум, вафоти 1346 йил) замонасининг кўзга кўринган алломаларидан бўлиб, айниқса, Усулул фикҳ, Фуруул фикҳ, Хилоф, Жадал, Ҳадис, Наҳв, Луғат, Адабиёт, Илми калом, Мантиқ каби илмларда пешқадам бўлганлар. У зот таълиф этган асарлар ҳанафий мазҳабида ёзилган бошқа йирик манбалардан тубдан фарқ қилади. У кишининг “Мухтасарул Виқоя” китоби фикҳ илмида мурожаат қилинадиган асосий тўрт матн китобининг бири, ўз боболарининг қаламига мансуб: “Виқоятур ривоя фи масаилил ҳидоя” китобининг қисқартмасидир. Айнан шу китобга шарҳ ҳам ёзилган бўлиб, унинг номи “Шарҳул Виқоя” дир. Бу китобдан ҳозирги кунда ҳам фикҳ аҳли кенг фойдаланади. Юртимиздаги мадрасалар таълим дастури фикҳ фани бўйича у кишининг “Мухтасарул виқоя” асарлари асосида шакллантирилган, талабалар фикҳий сабоқларни айнан ушбу дарсликдан ўзлаштирадilar. Чунки, “Мухтасарул виқоя” фикҳни англашда “Ҳидоя” масалаларини тўла тушуниш учун муҳим восита вазифасини бажаради.

Ташқи тажриба асосида маҳаллий қонунчилик ва инспекторлар фаолиятини замонавий технологиялар ва инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш тамойили асосида қайта кўриб чиқиш зарур.

Юқоридаги таҳлиллар асосида профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарлик ва маъмурий жазоларга оид қонун нормаларини самарали ва тизимли қўллашнинг таъминлаш учун қуйидаги илмий-амалий таклифларни илгари суриш мумкин:

**Биринчи. Қонун нормаларини аниқ ва бир хил талқин қилиш учун услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш;**

Профилактика инспекторлари учун маъмурий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, баённома расмийлаштириш ва жазо чораларини белгилашда бир хил мезонларга таяниш жуда муҳим. Бунинг учун аниқ, тушунарли ва янгиланиб боровчи услубий қўлланмалар ва электрон дастурлар жорий этилиши зарур.

**Иккинчи. Профилактика инспекторларининг малакасини оширишнинг самарали тизимини жорий этиш;**

Профилактика инспекторлари учун мунтазам малака ошириш курслари ташкил этилиши, улар амалдаги қонунчилик, янги ҳуқуқий нормалар, инсон ҳуқуқлари ва психологик ёндашувлар бўйича янгиланиб бориши шарт. Онлайн-платформалар орқали масофавий ўқув курслари амалиёти кенгайтирилиши мумкин.

**Учинчи. Учинчи. Худудий юкломани оптималлаштириш;**

Профилактика инспекторларига юклатилган худудий иш юкломалари ҳажми таҳлил қилиниб, адолатли тақсимот механизмлари ишлаб чиқилиши лозим. Бу орқали ҳар бир профилактика инспектори ўз худудидаги криминоген ҳолатни чуқур ўрганиш ва самарали фаолият олиб бориш имкониятига эга бўлади.

**Тўртинчи. Рақамли технологияларни кенг жорий этиш;**

Ҳуқуқбузарликларни қайд этиш, таҳлил қилиш, ахборот алмашинуви ва ҳисобот юритишда рақамли платформалар ва сунъий интеллект элементларини жорий этиш орқали инсон омили таъсирини камайтириш ва самарадорликни ошириш мумкин.

**Бешинчи. Жамоатчилик билан ҳамкорлик механизмларини кучайтириш;**

Жамият ва профилактика инспекторлари ўртасида ўзаро ишонч ва ҳамкорликни кучайтириш мақсадида жамоатчилик кенгашлари, фуқаролик жамияти институтлари билан доимий мулоқот платформалари ташкил этилиши мақсадга мувофиқ.

**Олтинчи. Қонунчилик базасини такомиллаштириш;**

Маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид нормалардаги ноаниқликлар ва муаммоли ҳолатлар аниқланиб, уларнинг ягона ҳуқуқий асосда қайта ишланиши зарур. Шунингдек, профилактик фаолиятга оид нормаларни алоҳида боб сифатида шакллантириш, ҳуқуқий аниқликни таъминлашга ёрдам беради.

Профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарлик ва маъмурий жазоларга оид қонун нормаларини қўллаш фаолияти нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимининг, балки умумий ҳуқуқий тартиботнинг муҳим бўғини ҳисобланади. Ушбу мақолада таҳлил қилинганидек, амалиётда мавжуд бўлган тизимли муаммолар профилактика фаолиятининг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Хусусан, қонун нормаларининг нотўғри талқини, профилактика инспекторларнинг ҳуқуқий билим ва савиясидаги етишмовчилик ва камчиликлар, норматив-ҳуқуқий базадаги ноаниқликлар ва рақамли воситалардан фойдаланишнинг чекланганлиги каби омиллар ҳуқуқни қўллашда номутаносибликка ва баъзида фуқароларнинг эътирозларига сабаб бўладиган қарорлар қабул қилинишига олиб келмоқда.

Халқаро тажриба таҳлили шуни кўрсатадики, профилактика фаолияти самарадорлигини ошириш учун тизимли ёндашув, замонавий технологиялардан фойдаланиш, доимий малака ошириш ва жамоатчилик билан ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади.

Шу асосда қуйидаги асосий тавсияларни илгари суриш мумкин:

Профилактика инспекторлари учун аниқ, ифода қилинган қўлланмалар ва ҳуқуқий алгоритмлар ишлаб чиқилиши керак.

Бизнинг фикримизча, ҳуқуқни қўллашда бир хилликни таъминлаш мақсадида малака ошириш курслари тизимлаштирилиши ва замонавий модуллар асосида ташкил этилиши лозим.

Шунингдек, қонунчиликдаги мавжуд ноаниқликлар бартараф этилиб, профилактик фаолиятни тартибга солувчи нормалар мустаҳкамланиши зарур.

Жамият ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида ишончли алоқаларни ривожлантириш учун фуқаролик жамияти институтлари билан яқин ҳамкорлик этиши талаб этилади.

Профилактика инспекторлар фаолиятини рақамлаштириш орқали инсон омили таъсири камайтирилиши ва таҳлил ҳамда баҳолаш жараёнлари автоматлаштирилиши керак.

Ушбу таклиф ва тавсиялар профилактика инспекторлари фаолиятидаги ҳуқуқни татбиқ этиш механизмларини такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқий ҳимоя даражасини ошириш ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

#### Фойданилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси.
3. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисида кодекси.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон қонуни.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сонли Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чоратадбирлари тўғрисида” ги ПФ-6196-сон Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 29-ноябрдаги “Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармон.
9. Мирзиёев Ш. М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. -Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. –Б. 314. (592 б.).
10. Qushboqov S. X. Usipbekov N J Yurtimizda mahkumlarni ozodlikka tayyorlashda amalga oshirilgan islohotlar va ulardan kutilayotgan natijalar //Models and methods in modern science. – 2023. – Т. 2. – №. 12. – С. 179-182.
11. Qushboqov S., Tilabov S. Kiber jinoyatlardan saqlanishda umumiy profilaktikani o'rni //Theoretical aspects in the formation of pedagogical sciences. – 2023. – Т. 2. – №. 18. – С. 67-69.
12. Кушбоқов Ш. Юртимизда тадбиркорликни жазони ижро этиш тизимидаги истицболи //Models and methods in modern science. – 2023. – Т. 2. – №. 5. – С. 114-117.
13. Охунов З., Кушбоқов Ш. ТТСЭ (2022). Ҳуқуқбузарликларни олдини олишга оид айрим мулоҳ, азалар //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – Т. 2. – №. 11. – С. 34-39.
14. Qushboqov S. Isroilov D. Profilaktika inspektorining huquqbuzarliklar profilaktikasida adliya organlari bilan hamkorligi tushunchasi //Академические исследования в современной науке. – 2024. – Т. 3. – №. 23. – С. 96-103.
15. Qodirjonovich J. Z., O'G'Li Q. S. X. Bir guruh shaxslar tomonidan axborot texnologiyalardan foydalanib sodir etilgan firibgarlik va o'g'rilik jinoyatlarining sodir etish usullari va ularni tergov qilishga oid ayrim mulohazalar //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2024. – Т. 4. – №. 5. – С. 137-144.
16. Qushboqov S. Mamatova D. Yangi O'zbekistonda huquqbuzarlik profilaktikasining o'rni //current approaches and new research in modern sciences. – 2023. – Т. 2. – №. 10. – С. 37-39.
17. Qushboqov S. Zamonov X. Shaxsning hayoti va sogligiga qarshi jinoyatlarning oldini olishning oziga xos xususiyatlari //Инновационные исследования в науке. – 2024. – Т. 3. – №. 1. – С. 79-84.

18. Қушбоқов Ш С. М. Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ўрни //Science and innovation in the education system. – 2023. – Т. 2. – №. 13. – С. 73-76.
19. Охунов З. М., Қушбоқов Ш. Х. Талабалар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни олдини олишга оид айрим мулоҳазалар //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 11. – С. 34-39.
20. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси //Халқ сўзи. газ 2020 йил 25 январь сони.
21. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг Қарори: Судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришни тартибга солувчи қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида 2018 йил 30 ноябрь.,
22. Қадамович Б. Ҳ., Рахимов Т. М. Ў. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ХИЗМАТЛАРИ ТИЗИМИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 3. – С. 71-78.
23. Қадамович Б. Ҳ., Худойбердиев С. О. Ў. БОЖХОНА ҚОИДАЛАРИНИ БУЗИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ: ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ МАХСУС ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 2-2. – С. 62-66.
24. Қадамович Б. Ҳ., Узоқов Ф. Ф. Ў. ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАНИНГ АҲАМИЯТИ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 2-2. – С. 88-93.
25. Қушбоқов Ш Т. Ж. Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми ҳуқуқий тартибга солиш истиқболи //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2023. – Т. 2. – №. 2. – С. 49-55.
26. Қушбоқов Ш. Жазони ижро этиш муассасаларининг юридик шахс сифатидаги тушунчасининг таснифи //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 4. – С. 58-63.
27. Алтмишев Т., Қушбоқов Ш. Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг сайловга оид ҳуқуқларини таъминлаш //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2023. – Т. 3. – С. 112-114.
28. Қушбоқов Ш Т. Э. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган айрим тоифадаги маҳкумлар устидан маъмурий назорат ўрнатиш тартиби //Zamonaviy dunyoda innovatsion tadqiqotlar: Nazariya va amaliyot. – 2023. – Т. 2. – №. 4. – С. 35-44.
29. Қушбоқов Ш. Жазони ижро этиш муассасалари фаолиятида тадбиркорликнинг ўрни //Международная конференция академических наук. – 2022. – Т. 1. – №. 27. – С. 16-20.
30. Рустамов С. Қушбоқов Ш. Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясининг жазони ижро этиш департаменти фаолиятидаги ўрни //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – С. 10.
31. Аумханович, Kalauov Saydulla, Allayarov Nurmanbet Urazimbetovich, and Qushboqov Shohrux Hasan o'g'li. "Yo'l-transport hodisalarini oldini olish faoliyatini takomillashtirish." *Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies* 2.1 (2024): 157-160.
32. Qushboqov S., Xalilov J. Ma'muriy Jazo Tushunchasi, Maqsadi Va Turlarining Mazmun-Mohiyati //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2024. – Т. 3. – №. Maxsus son 12. – С. 7-12.

33. Qushboqov S., Jumashev O. Huquqbuzarliklar profilaktikasida deputatlik va parlament nazoratining o'rnini //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2024. – Т. 3. – №. Maxsus son 12. – С. 54-56.
34. Qushboqov S. Narsani musodara qilish jazosini ijro etishning ilmiy-nazariy tahlili //Развитие педагогических технологий в современных науках. – 2025. – Т. 4. – №. 1. – С. 79-83.
35. Кушбоков Ш. Сущность понятия и виды административного взыскания //Общество и инновации. – 2024. – Т. 5. – №. 6. – С. 418-423.
36. Кушбоков Ш. Научно-теоретический анализ исполнения наказания в виде возмездного изъятия предмета //Общество и инновации. – 2025. – Т. 6. – №. 1/S. – С. 87-90.

